ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 116 (10.169) / 2004 ЙИЛ 18 ИЮНЬ

## ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида 17 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) саммити бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислик қилди.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентлар8нинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди.

Нурсултон Назарбоев, Ху Цзиньтао, Асқар Акаев, Владимир Путин, Имомали Раҳмонов ва Ислом Каримов ШҲТни ривожлантириш ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Халқаро ташкилотларнинг нуфузи ва аҳамияти уларга дунёда берилаётган эътибор ва фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. ШҲТ ташкилот сифатида шаклланиш ва бошланғич тадрижий ривожланиш жараёнини қисқа фурсатда босиб ўтди. 2001 йил 15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида олти мамлакат раҳбари ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чекди. Унинг доимий ишловчи икки органи - Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этишга келишиб олди. Таъсис ҳужжати - Хартия (низом) 2002 йил 7 июнь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди. Шу тариқа ташкилот халқаро юридик мақомга эга бўлди.

Ўтган йил 29 май куни бўлган Москва саммитида 2004 йилнинг январидан Пекинда Котибиятни, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини ишга туширишга қарор қилинди.

Булардан ташқари, 2003 йил сентябрда Ҳукумат раҳбарлари кенгаши қарори билан савдо-иқтисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

ШҲТ доирасида аъзо мамлакатларнинг ташқи сиёсат маҳкамалари, иқтисодиёт ва савдо вазирликлари, хавфсизлик кенгашлари ўртасида мунтазам мулоқотлар ўтказилмоқда. Тошкент саммити арафасида ҳам бу идоралар раҳбарларининг учрашувлари ташкил этилди. Бу ташкилотни ривожлантиришга, унинг доирасидаги ҳамкорликка муҳим аҳамият берилаётганидан яна бир далолатдир.

Тошкент учрашувида кўрилган масалалар орасида ШҲТ фаолиятининг икки асосий йўналиши - хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг бош мавзуси бўлди.

Қатнашчилар Мўғулистон Президенти Нацагийн Багабандининг мурожаатини кўриб чиқиб, ушбу мамлакатни ташкилотга кузатувчи мақомида қабул қилишга қарор қилдилар.

Нафақат ШҲТ минтақаси, балки бутун дунёдаги вазиятга таъсир кўрсатиб турган Афғонистондаги вазият ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олди. Таъкидламоқ жоизки, Афғонистон муаммоларини ҳал қилишга бағишланган анжуман ва йиғилишлар кўпинча бу давлатнинг иштирокисиз ўтиб келарди. Аниқроғи, Афғонистон муаммоларини ечишда Афғонистоннинг ўзи қатнашмас ва бунга муҳим аҳамият берилмасди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Афғонистонда марказий ҳокимият йўқ эди, мамлакатни бўлиб олиб, ўзига тегишли ҳудудларни назорат қилувчи гуруҳлар эса бир-бирини тан олмас, бир давраларда учрашишни истамасди. Энди вазият ўзгарди. Шу боис Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ШҲТнинг Тошкент саммитига Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида таклиф қилинди. Мантиқан олганда, унинг бевосита муҳокама жараёнида иштирок этиши вазиятни тўғри баҳолаш ва ҳар томонлама мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Шу тариқа ташкилот тарихида илк бор ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги учрашувида Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай ва Мўғулистон Президентининг вакили, мамлакат ташқи ишлар вазири Лувсангийн Эрдэнэчулуун қатнашди.

ШҲТ саммити кун тартибида хавфсизлик масаласига кенг ўрин берилгани бежиз эмас. Яқинда Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари хавфсизликка таҳдид ҳамон сақланиб қолаётганини кўрсатди. Бу воқеалар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракат сифатида қабул қилиниши лозим.

Маълумки, бутун дунёда террорчилик кучаймоқда. Ядровий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи пайдо бўлди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ШҲТ эгаллаган минтақада таҳдидларнинг олдини олиш учун яхлит бир тизим, умумий механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ташкилот хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида амалий ҳамкорликни ривожлантираётганини таъкидлаш жоиз. Тошкентда расман очилган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган.

Президент Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, террорчиликка қарши курашда қўпорувчиларни, уларнинг базаларини йўқотиш билан чекланиб, яъни таҳдидларга фақат куч билан жавоб бериш билан кифояланиб бўлмайди. Одамларнинг онгини заҳарлайдиган, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин курашиш керак. Бу кураш сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мезонларни ҳам қамраши даркор.

Саммитда Ўзбекистон раҳбари ана шу заруратни таъкидлар экан, террор ва наркобизнес учун "транзит давлат" тушунчасининг ўзи йўқлигини қайд этди. Яъни, таҳдид муайян бир мамлакатга қарши қаратилмаган бўлса, унга нисбатан бефарқ бўлиш - нотўғри. Ер юзида террорчилар ўзини хотиржам сезадиган жой қолмагандагина террорчиликка қарши халқаро кураш кутилган самарани бериши мумкин.

ШҲТ саммитида кўрилган иккинчи асосий масала савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ. Зеро, иштирокчилар таъкидлаганидек, ШҲТ аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир. Иқтисодий ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё заҳираларини ўзлаштириш, сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб вазифалар бор.

Ислом Каримов Марказий Осиёда умумий бозор яратиш тўғрисидаги таклифини ШҲТ саммитида яна бир бор эълон қилди. Зеро, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини тузган минтақамиз мамлакатларининг бу мақсадга эришишида Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ШҲТ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ШҲТ мамлакатлари қитъалараро транспорт йўлакларининг муҳим бўғинидир. Шуни инобатга олсак, янги транспорт тармоқларини барпо этиш орқали ШҲТ мамлакатлари дунёнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда қўшимча имкониятга эга бўлади. Маълумотларга қараганда, ҳозир Хитой йўналиши, Афғонистон орқали Форс кўрфази бандаргоҳларига чиқадиган йўналиш бўйича лойиҳалар ўрганилмоқда.

Давоми 2-бетда.

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июнь куни Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, Афғонистондаги тикланиш жараёнларига доир, жумладан, давлатимизнинг қўшни мамлакатга кўрсатаётган ёрдамини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳамид Карзай Ўзбекистоннинг Афғонистон инфратузилмасини тиклашга қўшаётган ҳиссаси ғоят салмоқли эканлигини таъкидлади. ШҲТ саммитига таклиф этгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

* * *

Мамлакатимиз раҳбари шу куни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан ҳам учрашди. Мулоқот асносида Ўзбекистон ва Қирғизистон хавфсизлик органларининг ҳамкорлиги, сув-энергетика заҳираларидан янада унумли фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Асқар Акаев ШҲТнинг Тошкент саммити якунларига юқори баҳо берди ва Ислом Каримовни бу муваффақият билан самимий кутлади.

ЎзА

## МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ОЧИЛДИ

**Шанхай ҳамкорлик ташкилотига /ШҲТ/ аъзо давлатлар кўпдан буён жаҳон ҳамжамияти эътиборини бутун дунёга таҳдид солиб турган халқаро террорчилик, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарларнинг олдини олишга даъват этиб келади. Шунинг баробарида, ушбу мамлакатлар бундай жиддий хатарларга қарши курашиш йўлида изчил амалий одимлар қўймоқда. Қароргоҳи пойтахтимизда жойлашган ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти бунинг ёрқин тасдиғидир.**

ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил қилиш ҳақида 2001 йил июнь ойида Шанхайда ўтган биринчи саммитда қарор қабул қилинганди. 2003 йил май ойидаги Москва саммитида эса мазкур тузилма қароргоҳини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинган эди.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан Инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Самарқанд шаҳридаги «Президент Палас» меҳмонхонасида «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш масалалари»га бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда соҳада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинди.**

**● «Ўзбек ипаги» уюшмаси маълумотига кўра, бугунги кунгача республикамиз қабул пунктларига жами 16 минг 843 тонна пилла хом ашёси топширилди. Ҳосилдорлик эса ҳар бир қути ипак қуртига ўртача 47,3 килограммни ташкил этди.**

**● Зарбдор туманидаги «Элдор-1» фермер хўжалиги ҳузурида ун ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. «Элдор-1» тамғаси билан сотувга чиқарилаётган маҳсулотлар қўшни туманларга ҳам жўнатилмоқда.**

**● Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Қаҳрамон қишлоғида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 40 нафар қишлоқ аҳли ишга жойлашди, 20 нафар ховослик турли қисқа муддатли курсларда янги касбларни эгаллаш имкониятига эга бўлди.**

### Жаҳонда

**● БМТ Бош котиби Кофи Аннан даниялик Сорен Йессен-Петерсенни БМТнинг Косоводаги миссияси раҳбари этиб тайинлади.**

**● Жаҳон Банки ва Европа Комиссияси шафелигида ўтказилган Грузияга донор мамлакатлар анжуманда таъкидланишича, халқаро ҳамжамият Грузияга 1 миллиард доллар қийматида молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилган.**

**● АҚШ Давлат департаменти Америка фуқароларига мурожаат этиб, уларни Индонезияда яқинлашиб келаётган сайловлар билан боғлиқ ҳолда ушбу мамлакатда террорчилик ҳаракатлари содир этилиши мумкинлигидан огоҳлантирди.**

**● Кеча Бағдод шаҳри марказидаги «Ал-Мутана» аэропорти ёнида уюштирилган портлаш натижасида камида 35 киши ҳаётдан кўз юмди ва 119 киши яраланди.**

**● Қурғоқчилик ва саҳроларнинг тарқалиб боришига қарши Бутунжаҳон кураш куни арафасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2025 йилга бориб саҳролар бутун ер куррасининг учдан бир қисмини эгаллаб олиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотни эълон қилди.**

# ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Фан-техника ва юқори технология, энергетика соҳаларида ҳам интеграция жараёнларини кучайтириш орқали, минтақавий ҳамкорликни кенг кўламли халқаро ҳамкорлик даражасига кўтариш мумкин.

Самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, бунинг учун эса мулоқотларни фаоллаштириш, ШҲТнинг бир мамлакатидан иккинчисига борадиган сармоянинг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий пойдеворни яратиш керак. Бу йўлда учрайдиган тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш зарур. Шунда ҳамкорликдаги иқтисодий дастур ва лойиҳаларнинг кўлами янада кенгаяди.

Саммит қатнашчилари савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантиришга келишиб олдилар.

Йиғилишда Россия Президенти Владимир Путин ШҲТнинг Афғонистон бўйича мулоқот гуруҳини тузиш таклифини илгари сурди. ХХР Раиси Ху Цзиньтао Хитой ҳукумати ШҲТ доирасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга 900 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишини маълум қилди.

Учрашувнинг якуний хулосаси шундан иборатки, аъзо мамлакатларнинг иқтисодиётни юксалтириш, халқлар фаровонлигини ошириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлиги ШҲТнинг, шубҳасиз, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Ташкилот тўла шаклланиб бўлди, энди амалий ишлар даври бошланди.

Саммит қатнашчилари ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича Тошкент декларацияси, ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор ҳужжатларни имзоладилар.

Журналистлар билан учрашувда саммит қатнашчилари мулоқотлар ғоят самарали бўлганини, имзоланган ўнта ҳужжат ташкилот тўғри йўлдан бораётганини кўрсатишини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов Тошкент саммити ШҲТнинг шаклланиш даврини ниҳоясига етказиб, унинг фаолиятига амалий мазмун устуворлик касб этган янги даврни очиб берганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ШҲТ қисқа вақт ичида тўла ҳуқуқли халқаро ташкилотга айланиб улгурди. Бу даврда катта ишлар амалга оширилгани ташкилотнинг юксак нуфузи ва улкан салоҳиятидан далолатдир.

ШҲТнинг навбатдаги саммити Қозоғистонда бўлади ва унга энди Қозоғистон томони раислик қилади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ОЧИЛДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўтган қисқа даврда мамлакатимиз пойтахтида ана шу қўмита учун махсус бино ажратилиб, у энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Янги тузилма шу йил 1 январидан тўлақонли фаолият юрита бошлади.

17 июнь куни - Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Тошкентда ўтаётган навбатдаги мажлиси олдидан - ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг расмий очилиш маросими бўлди.

Шу муносабат билан бу ерга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ташриф буюрди.

Тантанали маросим янги тузилма биноси остонасида лента қирқишдан бошланди.

Олий даражадаги меҳмонларда ушбу муассаса биносининг оддийлик ва улуғворлик ўзаро уйғунлашган кўркам қиёфаси яхши таассурот қолдирди. Давлат раҳбарлари муҳташам мажлислар зали, матбуот анжумани ва бошқа тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал, меҳмонхоналарнинг шинамлиги, қулайлиги ҳамда энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланганлигини юксак баҳоладилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тадбирни очар экан, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ШҲТга аъзо давлатлар етакчилари қарори билан ташкил этилганлигини таъкидлади. Ушбу тузилма фаолиятининг асосий жиҳатларига тўхталди. Хусусан, ҳозирги замондаги хавф-хатар ва хуружларга қарши Аксилтеррор тузилма доирасида ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур. Тузилмани юксак малакали мутахассислар билан таъминлаш даркор. Бу мутахассислар ШҲТга аъзо мамлакатлардаги ўз ҳамкасблари билан мунтазам тезкор алоқа боғлаб туриши муҳим аҳамиятга эга. ШҲТга аъзо давлатлар махсус хизматлари ўртасида ўзаро юксак ишонч ўрнатилишига эришиш керак. БМТ, МДҲ, ШҲТ ва Интерпол аксилтеррор марказлари бир-бирлари билан мунтазам ахборот алмашиб туриши айни муддаодир.

Маросимда БМТ Осиё ва Тинч океани минтақаси бўлими директорининг ўринбосари Владимир Горяев, ЕХҲТ Аксилтеррор маркази дастури мувофиқлаштирувчиси Димитар Жалнев, МДҲ Аксилтеррор маркази раҳбари Борис Мильников ва МДҲ Ижрочи котиби Владимир Рушайло сўзга чиқди.

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини тузиш орқали ШҲТга аъзо давлатлар етакчилари террорчиликка қарши курашда ушбу мамлакатлар куч-қудратини, имкониятларини, тажриба ва услубларини бирлаштиришни, мазкур иллатга қарши ҳамкорликда курашишни кўзда тутганини алоҳида эътиборга сазовордир.

Мазкур тузилма ахборот ва маълумотлар тўплаш ҳамда ШҲТга аъзо давлатлар вакилларининг бир жойда ҳамкорликда ишлаши учун имконият яратади. Худди шу мақсадда тузилма таркибида кенгаш ва ижроқўм фаолияти йўлга қўйилган. Кенгашга олти давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган. Ижроқўмда эса ўзаро тасдиқланган лавозим ўринларига мувофиқ ШҲТга аъзо давлатлардан вакиллар ишлайди. Бу тизимларга раҳбарлик аъзо давлатлар ўртасида алмашиб туради. Айни чоғда кенгашга Қирғизистон, ижроқўмга эса Ўзбекистон раҳбарлик қилмоқда.

Ушбу тузилмада ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эллик нафар мутахассиси фаолият кўрсатади.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА махсус мухбири.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **ШАҲРИМИЗДА** БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ташаббуси билан ўсмир ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, гиёвандлик ва СПИД каби иллатларнинг зарарли оқибатларига бағишланган семинар уюштирилди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Яккасарой туман кенгаши томонидан «Республикада демократик ўзгаришлар жараёнида сайлов қонунлари ва ҳуқуқларининг асосий принциплари тўғрисида» мавзуида семинар ташкил этилди.

● **БУГУН** Қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Акмал Икромов туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ва «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлимлари ҳамкорлигида давра суҳбати уюштирилди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент бош режасини лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот институтида «Гиёвандликка йўл йўқ» мавзуида семинар ўтказилди.

● **БУГУН** Тошкент шаҳар Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти стоматология факультетининг 5-курс, даволаш факультети 7-курс талабаларининг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

● **ШУ** кунгача «Ипак йўли» акциядорлик-инновация банки томонидан мижозлар учун 40 миллион сўмга яқин кредитлар ажратилди.

● **РЕСПУБЛИКА** аудиторлар палатаси ташаббуси билан шаҳримизда ташкил этилган «Халқаро стандартлар — давр талаби» мавзуидаги семинар тингловчиларига ЮСАИД ташкилотининг сертификатларини топширилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Сўз — саммит иштирокчиларига*

# МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

**Сергей ЛАВРОВ,**
**Россия ташқи ишлар вазири:**

— Таъкидлаш лозимки, Тошкент саммити Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янги муҳим босқичи бўлиб қолади. Яъни ШҲТнинг фаолиятини белгиловчи ҳужжатлар тасдиқини топди, ташкилотнинг Пекинда Котибияти, Тошкентда эса Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таъсис этилиб, ўз мақсадлари йўлидаги ишини бошлаб юборди. ШҲТнинг ушбу икки муҳим таркибий тузилмалари унинг бош ҳужжати — Хартиясида белгиланган мақсад ва йўналишлари амалга татбиқ этилишида энг таъсирчан восита бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Қолаверса, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги юқори даражадаги мажлиси доирасида МАТТнинг тантанали очилиши ва аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ушбу тузилма ўз вазифаларини тўлиқ бажаришга тайёр деб эътироф этилгани фикримизга яққол далил бўла олади. Демак, хулоса шуки, амалий ишлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тошкент саммити якунларига кўра имзоланган ҳужжатларни ШҲТнинг амалий фаолиятидаги илк босқич десак адашмаймиз. Хусусан, кузатувчи мақоми ҳақида келишув имзоланганн ва ШҲТ қаторига биринчи кузатувчи давлат — Мўғулистоннинг қабул қилинганига эътиборга молиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ШҲТ мажлисида Афғонистон Муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзайнинг иштирок этгани ҳам энг аҳамиятли воқеалардан биридир. Маълумки, жаҳон ҳамжамиятининг ушбу давлат ҳудудидаги салбий ҳаракатлари ҳали кутилган ижобий натижаларни бергани йўқ. Наркотик моддаларнинг тайёрланиши ва уларнинг ноқонуний айланмаси кескин муаммо бўлиб қолмоқда. Бу борада Россия Президентининг «ШҲТ — Афғонистон» контакт-алоқа гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватлангани келгусида ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент саммити муваффақиятли якунлангани учун аввало Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ўзбекистондаги самимият, ҳиммат, илиқ муносабатлар, халқингизнинг очиқ чеҳра билан илтифотлар кўрсатгани бизни лол қолдирди. Тинчликпарварлик сиёсатини олға сураётган Ўзбекистон халқига хотиржамлик, барча жабҳаларда барқарорлик тилаб қоламан.

**Басил Хадж ДЖАСЕМ,**
**«Ал-Арабия» (Дубай), телекомпанияси шарҳловчиси :**

— Мен кўп бор турли сиёсий даражадаги анжуманларда иштирок этишга муваффақ бўлганман. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳақида маълумотга эга бўлсамда, аммо уни бевосита ёритиш мен учун янгилик эди. ШҲТнинг Тошкент саммити доирасида журналистлар учун яратилган шарт-шароитлар, матбуот марказидаги самимий дўстона кайфият менинг иштирокчилар билан бемалол мулоқотда бўлишимга ва олдимга қўйилган вазифаларни аъло даражада бажаришга имкон берди.

Анжуман нуфузига келсак, аминманки, ШҲТнинг истиқболи порлоқ. Ҳақиқатан ҳам, айни пайтда унинг доирасини кенгайтиришга ҳали вақт бор чоғи, аммо ташкилотда Россия ва Хитой давлатлари иштирокининг ўзи ШҲТнинг имкониятлари ва салоҳияти нечоғлик улканлигидан далолат беради. Шу боисдан турли халқаро ташкилотларнинг унга бўлган қизиқиши ҳамда мамлакатларнинг аъзо бўлиши иштиёқи ортиб бораётгани бежиз эмас...

Ўзбекистонга биринчи бора келишим. Таассуротларим кўп. Тошкент чиройли ва гўзал шаҳар, мегаполис талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу ерда замонавий бино ва иншоотлар бирдек ўрин олган. Шу билан бирга шаҳрингиз ўз шарқона анъаналарини йўқотмагани мени ҳайратга солди. Нафақат меъморий обидалар, балки кўчаларнинг ўзига хос безатилгани, аввалабор сизнинг халқингизнинг хушмуомалалиги, самимийлиги, соддалиги ва албатта Ўзбекистоннинг донғини таратаётган меҳмондўстлиги «Шарқ — нозик тушунча» ибораси нима эканлигини акс этади.

**Леонид АЛАБЯН,**
**Россиянинг «Новости» агентлиги дирекцияси раҳбари:**

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги Тошкент саммитини ёритиш учун Россиядан 50 дан зиёд журналистлар жалб этилди ва шу ернинг ўзида, саммит тадбирлари ўтаётган жойда ташкил этилган Россия матбуот марказига келиб тушаётган сўнгги маълумотларни қисқа сониялар ичида мамлакатимизнинг барча оммавий ахборот воситаларига узатиб туриш имконияти яратилди. Дастлабки маълумотларга кўра, Тошкент саммитида 40 га яқин давлатларнинг 300 дан зиёд журналистлари иштирок этди. Бу эса ШҲТнинг нуфузи ҳамда Марказий Осиё минтақасида етакчилик қилаётган Ўзбекистонга бўлган алоҳида эътибордан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яқиндан мулоқотда бўлиб, фикр алмашганимиз, амалий алоқалар ўрнатганимиз менга жуда маъқул бўлди. Буни ҳам ШҲТнинг ўзига хос кўп қиррали фаолиятининг бир кўриниши деса бўлади. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бугунги кунда хавфсизлик масалаларини айнан ҳар томонлама — иқтисодий, маданий, инсонпарварлик соҳаларида ҳамкорликлар ўрнатиш орқали ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бевосита мулоқотлар эса инсонларни бир-бирига яқинлаштиради, дилларга меҳр-оқибат тушунчаларини сингдиради.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**ёзиб олди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Кейинги пайтларда «апелляция», «юридик кафолатлар» деган сўзларни кўпроқ эшитиб қолмокдамиз. Илтимос, шу сўзларнинг луғавий маъносини тушунтириб берсангиз.**

**М.Хуррамова, тадбиркор.**

Апелляция — бир қанча хорижий мамлакатлар ҳуқуқида ҳали қонун кучига кирмаган суд ҳукмлари ва қарорлари устидан шикоят беришдир. Апелляция суди ишдаги мавжуд исботларни тафтиш этиб янги исботларни кўриб чиқади, ҳукмни тасдиқлайди ёки янги ҳукм чиқаради. (Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқида суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг шакли-кассация)

Юридик кафолатлар деганда, фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг қонунда мустаҳкамланган воситалари, уларни амалга ошириш усуллари ҳамда қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий тартибни, шахсни, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш воситалари тушунилади.

* * *

**Мен яқин бир дўстимга қарз берган эдим. Лекин у энди олган пулини қайтармаяпти. Пули йўқлигини, ҳалибери қайтара олмаслигини айтиб, кўзимдан нарирокда бўлишга ҳаракат қиляпти. Қандай қилиб қонуний йўл билан берган пулимни қайтариб олишим мумкин?**

**И.Пирмуҳамедов, ишчи.**

Маълумки, қарз билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади. Республика Фуқаролик Кодексининг 732-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда, қарз деганда бир тараф (қарз берувчи)нинг иккинчи тараф (қарз олувчи)га келишилган муддатда қайтариш мажбурияти асосида пул ёки бошқа ашёни бериш тушунилади. Кодекснинг 733-моддасида эса, қарз шартномасининг қиймати энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан ошса, оддий ёзма шаклда, агар томонлардан бири юридик шахс бўлса, шартнома қийматидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши лозимлиги белгиланган. Агар сиз қарзни бераётганда ёзма шаклда шартнома тузган бўлсангиз, пулингизни суд орқали олишингиз мумкин.

* * *

**Витаминларга бой сабзидан пардоз воситаси сифатида кенг фойдаланиш мумкин экан. Шу гап тўғрими?**

**Ш.Вафоева, уй бекаси.**

Ҳа, тўғри. Юз терисида ажинлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун сабзидан қуйидаги тартибда ниқоб тайёрланади: 2 та сабзи қирғичдан ўтказилади. Бир-икки томчи лимон шарбати, 1 та тухумнинг сариғи ва бир неча томчи ўсимлик ёғи аралаштирилади. Ниқобни 20-25 дақиқа юз ва бўйинга суртиб қўйилади. Кейин иссиқ сувга ботирилган пахта билан артиб ташлаш лозим. Бу муолажани кун ора қилиб туришни тавсия этамиз. Бир босқич муолажа 10-15 мартадан иборат ҳисобланади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**





*Қурилиш майдонларида*

# «БИНОКОР»НИНГ БУНЁДКОРЛАРИ

**Янги ўқув йилида Охунбобоев номли тиббиёт коллежи талабалари замонавий тарзда қайта таъмирдан чиққан ўқув хоналарида сабоқ олиб, амалиёт ўташлари билан бирга, шинам ва кўркам, талаблар даражасидаги ётоқхонада ҳам истиқомат қилишади.**

Таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини тендер савдосида қатнашиб муваффақият қозонган «Бинокор» бунёдкор-қурилиш компанияси қурувчилари бажаришмоқда. Ушбу амалга оширилаётган ишлар қайта қуриш ва таъмирлаш юмушларининг иккинчи навбати бўлиб, биринчи қисми эса ўтган йилда адо этилган. Унда 91 хонадан иборат 4 қаватли ўқув биноси ҳамда ёзги ва қишки спорт майдонлари таъмирланди, бунёд этилиб, талаба ва устозлар ихтиёрига топширилган эди.



Айни кунларда эса бунёдкорликнинг иккинчи қисмида кўзда тутилган асосий иш — 52 хонадан иборат клиника биносида охирги пардозлаш юмушлари ниҳоясига етмоқда. Ушбу бинодан ҳамширалик иши бўйича тренинг зали, маърифат ва маънавият маркази, 350 ўринли фаоллар зали ҳам ўрин олган. Бу талабаларнинг амалиёт ўташлари, барча тадбирларни мазмунли ва мароқли ўтказишларига катта қулайлик бўлади.

Айни кунларда қурилиш ташкилотининг 200 нафарга яқин турли ҳунар эгаларидан ташкил топган бунёдкорлари зиммаларидаги юмушларни тез ва соз уддалашга ҳаракат қилишмоқда. Талабаларнинг иккинчи уйи бўлган 4 қаватли ётоқхона биноси ҳам янги ўқув йили арафасида тўла қайта таъмирдан чиқарилади.

Вақтдан, сифатли қурилиш ашёларидан, имкониятдан оқилона фойдаланаётган қурувчиларнинг маҳорати кун сайин намоён бўлиб, нафақат бинолар кўринишида, балки ободонлаштириш ишларида ҳам ўз аксини топмоқда.

— Бугунги кунга келиб 8 та бригада қурувчилари лойиҳада кўзда тутилган ишларни кўнгилдагидек бажаришга интилишяпти, — дейди қурилиш участкаси раҳбари Абдуғаффор Қурбонов. — Ҳар бир соҳа ходимининг ўз вазифаси, ана шу вазифани адо этиш йўлидаги масъулияти бажарилаётган юмушларда кўзга ташланиб турибди. Айниқса, Козим Исабоев раҳбарлигидаги ганчкорларимизнинг маҳорати таҳсинга лойиқ. Улар фаоллар зали ва фойени кўзда тутилганидан ҳам зиёда безашди. Албатта, ушбу объектни Республикамизда нишонланадиган энг қутлуғ байрам — Мустақиллик шодиёнасига фойдаланишга топширамиз.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: участка бошлиғи Абдуғаффор Қурбонов (чапда) ва ишбоши Неъматжон Сайдуллаевларнинг ишлари жуда кўп; ганч ўймакорлари маҳоратларини намоён этилмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Ёшлар — келажагимиз*

## ТАЛАБА ГУРУҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

***Талаба ва ўқувчиларни ёзги таътилда фойдали ишга жалб қилиш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан биридир.***

Мана шундай хайрли ишларни амалга ошириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман бўлими Кенгаши, Яккасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ва Қизил Ярим Ой жамияти қошидаги «Меҳр-шафқат» коллежи билан ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилинди. Бу қарор асосида Яккасарой тумани маҳаллаларидаги II-жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларини, ногирон, кекса авлод вакиллари ва маҳалла ёшларининг ёзги мавсумда ҳордиқ чиқаришларини унумли ўтказиш, шунингдек, талаба-ўқувчиларни ёзги таътилларида фойдали меҳнатга жалб қилиш, ижтимоий фойда келтирадиган иш билан машғул этиш мақсадида Қизил Ярим Ой жамияти қошидаги «Меҳр-шафқат» коллежида «Ёзги меҳнат талаба гуруҳи — 2004» ташкил этилди.

Бу қўшма қарорни қабул қилишдан асосий мақсад Меҳр ва мурувват йили муносабати билан туман маҳаллаларидаги ёшларни кекса авлод вакиллари, маҳаллалардаги ногиронлар ва қаровчисиз қолган қарияларнинг ҳолидан ёзги мавсум давомида хабар олишларини таъминлаш ҳамда ёшларнинг ёзги таътил даврини ижтимоий манфаат келтирадиган иш билан машғул этишдир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман бўлими Кенгаши ҳамда бошқа саховатпеша ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилган бу ташаббус албатта ўзининг ижобий натижасини беради.

**Мадина УМАРОВА**

## БАНКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

**Пекинда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Хитой Экспорт-импорт банки ўртасида Ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Бу ҳақда ЎзА мухбирига Миллий банк матбуот хизматидан хабар беришди.**

Икки мамлакатнинг энг йирик молиявий ташкилотлари ўртасида мазкур ҳужжатнинг имзоланиши ташқи иқтисодий фаолият ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро фойдали шериклик муносабатларини фаоллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Миллий банк экспертларининг фикрича, банкирларнинг алоқалари Хитой компанияларининг инвестициялари ва янги технологияларини Ўзбекистон корхоналарига жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларини молиялашга ёрдам беради

**В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири**

**Мисрда ўтказилган болалар ижодиёти халқаро фестивали «Шарқ жавоҳири» деб номланди. Бу йирик маданий тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада истеъдодли болаларнинг турли ижод намуналари намойиш қилинди.**

*Фестиваллар*

## МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

Тошкентдаги «Сан Викт» ногирон болалар марказининг фаол аъзоси Дилфуза Обиджонова ҳам фестивалдан юзи ёруғ бўлиб қайтди. У тақдим этган тикувчилик модели энг яхши экспонатлардан бири сифатида баҳоланди.

Халқаро фестивалнинг мазкур мукофоти марказ ташкил топганлигининг беш йиллигига яхши совға бўлди. Шу ўтган қисқа давр ичида марказ истеъдодлари республикамизда, қолаверса чет элларда уюштирилган ижодий кўрикларда фаол қатнашиб, ўндан ортиқ совринли мукофотни қўлга киритди.

«Сан Викт»нинг ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, расм чизиш каби амалий машғулотларига ҳозир кўпгина ногирон болалар жалб этилган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

"ИШЛАБ ТОП!"

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.

Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.

Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Давоми. Боши 6-бетда.

Изоҳ: * - Ушбу инвестиция микдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

**ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:**

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни а) ариза хужжатлари тўплами; б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлари тўплами; в) молиявий таклифлар ҳужжатлари тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати).

2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.

3. Олинаётган сармоя мажбурияти ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари.

4. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).

Савдода қатнашиш учун харидорлар уч мустақил қисмга бўлинган таклифларни, алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаб, муҳрлаб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширадилар.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

**Савдолар соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.**

**Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй.**

**Телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ХИЁБОН КИМ УЧУН ЯРАТИЛАДИ?

Дам олиш кунлари шаҳар айланиш одатим бор. Бу сафар ҳам шундай қилдим. Амир Темур, Алишер Навоий, Фарғона йўли, Аҳмад Дониш каби шоҳ кўчаларда бўлдим. Бу манзилларнинг олдингисидан ҳам обод ва кўркам бўлиб бораётганини кўриб фахрландим. Кўчаларнинг икки четига гуллар экилган. Улар бугун барқ уриб яшнаб турибди. Шаҳримизда бу қадар кенг миқёсда олиб борилаётган ободлик ишларидан кўнглим тўлиб, бироз бўлса-да дам олиш ва бу жойдаги ўзгаришлардан ҳам хабардор бўлиш учун баъзи хиёбонларни ҳам ораладим.

Ҳамма ёқ ям-яшил. Эндигина текис ўрилган майсазорлардан баҳор насими янглиғ ёқимли нафис ис таралади. Шу атрофга қўйилган ўриндиқларга бир зум ўтириб, беихтиёр ҳордиқ чиқаргинг келади. Ўтиргичлардан бирини танлаб, ўша ердан қўним топдим. Кўзим узун кетган майсазорларда. Уларга қарай туриб бирдан чимзор ўртасидаги ёлғиз оёқ йўлга тикилиб қолдим. Қайсидир беандиша, бетартиб кишиларнинг ниҳояти 4-5 метр ерни яқин қилиш учун кўм-кўк яшил майдон ўртасидан йўл солганини кўриб дилим ранжиди. Ажабо, шундай гўзаллик оламига доғ тушириб, уни пайҳонлашга кимнинг ҳадди сиғди экан? Ахир ўз шаҳрини жон дилидан севган, унинг гўзаллигидан фахрланадиган инсоннинг иши эмас-ку бу. Бундай тартибсизликни содир этишга унча-бунча одам журъат эта олмайди-ку. Шундай хаёллар билан бу жойни тарк этиб «Ардус» дўкони рўпарасидаги хиёбон томон юрдим. Энди бу ерда кўрганларимни таърифлашга тил ожиз.

Тўғри, бугунги кунда хиёбон таъмирланаяпти. Йўлкаларга шахмат усул ғиштлар териляпти. Лекин яхши ният билан ўстирилган майсазорлар эса кимлардир томонидан пайҳонланяпти. Ахир уларни бунёдга келтириш учун қанча куч сарфланган. Неча-неча одамларнинг пешона териси тўкилган. Улар меҳнатини қадрламай бу жойни очиқдан-очиқ оёқ ости қилишга қайси инсоннинг виждони чидайди. Бировлар йўқдан бор қилса-ю, баъзилар борини йўқ қилишга уринса. Ахир бу бориб турган ноҳақлик эмасми? Гулзору, хиёбонлар сизу биз учун яратилади. Ободонлаштирувчилар қалб қўрини тўкиб уларни экиб, парваришлашади. Баъзан шундай гўзалликни қадрига етмасдан уни босиб янчамиз. Бунақа нонкўрлик бориб турган гуноҳи азим. Шу ҳақда бир ўйлаб кўрсак яхши бўларди.

## КЎНГЛИМ ТАСКИН ТОПДИ

Ҳастимомлик Ботирали деган дўстим бўлгувчи эди. Эски уйимиз бузилгач, у билан узоқ кўришмай қолдик. Сабаби қўшнилар ҳар томонга тарқалиб кетди. Биров шаҳарнинг у томонидан, биров бу томонидан жой олди. Кимдир кўп қаватли уйларга кўчиб ўтди.

Яқинда Эски Жўва бозорида Ботиралини учратиб қолдим. Анчагача омонлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб турдик. Бир-биримизга телефон рақамларимизни, уй манзилларимизни ёзиб бердик.

— Келаётган жума куни кечки пайт албатта бизникига ўтинг, бир мазза қилиб суҳбатлашамиз. Ахир эски қадрдонлармиз, шундай экан, борди-келдини тикламасак бўлмайди, — деб қолди хайрлашув чоғида.

Таклифни қабул қилдим. Жума куни кечки пайт дўстимникига Юнусободга жўнадим. Сўраб-сўраб Маккани топган эканлар. Мен ҳам суриштириб Ботирали яшайдиган 9 қаватли уйни топдим. 3-қаватга кўтарилиб эшик қўнғироғини босишим билан зум ўтмай Ботиралининг ўзи чиқиб келди.

— Э, келинг Зийрак бобо. Шу топда сизни эслаб ўтирган эдик. Мезбоннинг такаллуфи билан каттагина хонада безатилган дастурхон атрофидан жой олдик. Биз ўтирган хонага саломлашиб кириб-чиқиб турганлар орасида Ботиралининг аёли кўринмасди. Уни Ботиралини ўзидан сўраб-суриштиришга истиҳола қилиб турардим. Шу топда бирдан эшикдан 18 ёшлар чамасидаги шўх бир йигитча кириб келди. Биз билан омонлашгач, Ботирали уни менга таништирди.

— Кенжа набирам Йигитали, — кейин йигитга юзланди. — Зийрак бобони танияпсанми, бўтам?

— Кўришмаганимизга анча йиллар бўлса-да, танидим. Яхши юрибсизми бобо? Бувам сизни, эски қўшниларимизни тез-тез эслаб турадилар.

Йигитали менга жилмайиб шундай деди-да қўлидаги қоғозга ўроғлиқ нарсани бобосининг олдига қўйди.

— Бу нима бўтам?

— Биринчи маошимдан сизга арзимас совға бува.

— Отанг ўргилсин сендан, нима қилардинг овора бўлиб, — миннатдорчилик билдирди Ботирали ўзида йўқ хурсанд бўлиб.

— Олдин кийиб кўринг-чи. Сизга лойиқмикан, бўлмаса эртагача алмаштириб келаман, — дея у қоғозни очиб, ичидан чиройли чакмонни олиб Ботиралининг елкасига ташлади. Чакмон қуйиб қўйгандек унинг ўзига ярашиб тушди:

— Тупроқ олсанг олтин бўлсин болам. Афсуски бу кунларни сени боқиб катта қилган бувинг кўрмади-да.

Бу гапдан Йигиталининг кўзи ёшланди. Ҳўнграб юбормаслик учун хонани тарк этди. Шундагина мен нодон Ботиралининг аёли Хайриниса вафот этганини билдим. Сўраб-суриштирсам у бундан икки йил муқаддам оламдан ўтган экан. Қарангa, орадан шунча фурсат ўтибди-ю, мен эса яқин қадрдоним бошига тушган бу мусибатдан бехабар юраверибман.

— Шундай бўлиб қолди биродар. Қийин қисталанг бўлиб, сизга хабар беролмай қолдик, — деди Ботирали. — Бунинг устига манзилингизни аниқ билмасдик.

Кўчада кетиб бораяпману бир қайғураман, бир қувонаман. Қайғум оғир кунларда Ботиралининг ёнида бўлолмаганим, қувончим эса биринчи маошидан бобосига совға олиб келишни унутмаган набиранинг зийраклиги. Ҳарқалай Ботирали якка эмас, ёнида бири-биридан одобли ўғил-қизлари, одамохун набиралари борлигидан кўнглим таскин топди.

## БИРОВДАН ЎПКАЛАМА

9 қаватли бино олдига кимдир ахлат тўкиб кетибди.

— Бу кимнинг иши? Ахир тўрт қадам нарида махсус ахлатхона турганда боришга эриниб, шундоққина уй рўпарасига ахлат ташлаб кетганларини қаранг, — тажанг бўлди ишга шошилиб бораётган шу уйда яшовчилардан бири.

Эртасига қарашса ўша қўлбола ахлатхона яна катталашибди. «Ҳашарчилар» кўпайишибди чоғи. Олди олинмаса бўлмайдиган кўринади. Бу ҳақда маҳалла оқсоқолига хабар қилинди.

— Ўзингиз яшаётган уй бўлса, бундай номаъқулчиликни ким қилаяпти? Ўзларингиз кузатсаларингиз бўлмайдими? Шунга ҳам мен бориб, одамларни тўплаб тушунтириш ўтказишим керакми? Ахир бу ишни қиладиган уй бошлиғи бор-ку ўзларингизда.

У бунга, буниси унисига солди. Сансалорлик оқибатида ахлатхона тобора қад кўтараверди. Бир-иккита жонкуярлар ҳам унга-бунга айтиб чорасини тополмагач, «бор-е менга нима» дедилар-да ишни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Кунлар ўтиб ахлатхона йириклашиб, энди ундан таралаётган нохуш ҳидга чидолмайдиган бўлишди. Ҳар куни қўшнилар ўртасида жанжал.

— Қўшни уйдагиларга айтинг, шу ерга ахлат ташлашмасин.

— Бу гапни ўзингизникидагиларга айтинг. Ҳар куни кузатаман қизингиз ҳеч уялмай, челакдаги ахлатни шу ерга ағдаради.

— Тунов куни сизнинг аёлингиз ҳам чиқиндиларни шу жойга ташлаётганини ўз кўзим билан кўрдим.

Ахлатхонанинг довруғи мутасадди идораларгача бориб етди.

— Ёрдам беринглар, — дейишди ўша уйда истиқомат қилувчилар. — Ахлатхонани йўқотмаса бўлмайди. Қачонгача чивинларга таланамиз.

— Биз ёрдам беришимиз мумкин, — дейишди у ердагилар. — Лекин бу иш биз томондан бажарилса, баъзи иш ёқмаслар шунга ўрганиб қолишади-да, «биз тўкаверамиз, улар тозалаб бераверишади», деган хаёлга боришади. Шунинг учун у жойни ўзларингиз ҳашар йўли билан тозалаганларингиз маъқул. Пешона тери тўккан одам иккинчи бунақа номаъқулчиликка қўл урмайди.

Ўйлаб кўрилса, бу гапда ҳақиқат бордек туюлади. Чиндан ҳам нега ўзгалар тўзитган ишни бировлар тузатиб бериши керак. Ўзимиз буздикми, ўзимиз тузатишга ўрганайлик. Ана шундагина қадамни ўйлаб босамиз.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Инсон — олам безаги

● Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. Шундагина у инсон деган юксак унвонга лойиқдир.

● Инсон — бир бутун олам, фақат ундаги асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.

● Ҳаёт — бу бетўхтов камолотдир.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни қайғу-ғамга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб, обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жангу жадалдан қоч. Сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта унинг уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма».

Байт:

**Мен инсон деган**
**улуғ фикр-ла,**
**Ҳамиша кўксимни**
**тутаман баланд.**

● Қаноатли киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдир.

● Улуғ кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Аксинча, кишида қаноат бўлмаса, топган-тутганига сабр қилмай, кўпига интилса, оқибат хорлик азобини тортади. Шунинг учун ҳам айтадилар:

**Бўлса агар суву парча**
**қотган нон,**
**Ўзга косасига кўз**
**тикма, инсон.**
**Бўлсанг агар тожу-тахт**
**учун муҳтож,**
**Заминни тахт деб бил**
**ва куёшни тож.**

Доно кишилар эса: «Қаноат туганмас бойликдир, қаноатли киши ҳеч камбағал бўлмайди, чунки унинг ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадога ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса деб одамлар олдида бош эгади», дейдилар.

Байт:

**Бировнинг олдига**
**боргандан нон деб,**
**Уйда жим ўтирмоқ**
**яхшидир жон деб.**
**Ҳар ким таъма йўлин**
**тутса агар пеш,**
**Оқибат бир куни**
**бўлғуси дарвеш.**

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 73-мактаб-интернат томонидан 2001 йилда Иброҳимов Абдуҳофиз Абдубанноевич номига берилган O'R-A №780006 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳридаги бинолардан фойдаланиш департаменти томонидан К.Ф.Асадовга Яккасарой тумани, И.Оқилов кўчаси, 29-а уйнинг 119, 75 кв.метр турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказилганлигини тасдиқловчи 3091-сонли 2003 йил 11 августда берилган далолатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*Европа чемпионати*

## АНГЛИЯ ТЕРМАСИНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

Кеча «В» гуруҳида ўтказилган икки учрашув ҳам қизиқарлилиги ва сермаҳсуллиги билан алоҳида ажралиб турди.

Биринчи ўйинда французлардан кучли «зарба» еган инглизларнинг Швейцария термаси устидан фақат ишончли ғалаба қозонишдан ўзга иложи йўқ эди. Бироқ кутилмаганда ўйин швейцарияликларнинг ҳужумлари билан бошланди. Фақат 23-дақиқада Бэкхэм, Оуэн комбинациясини соф инглизча усулда — боши билан дарвозага тўп киритиш орқали ниҳоясига етказган Уэйн Руни ҳисобни очганидан сўнг инглизлар майдонда эркин ҳаракат қила бошлашди.

Иккинчи бўлимда ҳам инглизлар ҳужумга зўр беришди. 75-дақиқада Руни ўзининг иккинчи тўпини киритган бўлса, Англия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Стивен Жерард рақиблар дарвозасини учинчи бор забт этган ҳолда ўз командасининг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади. Бинобарин, охирги ўйинда Швейцария терма жамоасини енгган тақдирда, англияликларда чорак финалга чиқиш учун кенг имкониятлар очилади.

Иккинчи ўйинда гуруҳ пешқадами французлар 1998-йилги жаҳон чемпионатида барчани ҳайратга солган Хорватия терма жамоаси билан куч синашди.

Кутилганидек биринчи бўлимда французлар кўпроқ ва самаралироқ ҳужумлар уюштиришди. Шундай ҳужумларнинг бирида — 22-дақиқада хорватлар ҳимоячиси Игорь Тудор ўз дарвозасига гол киритиб юборди. Биринчи бўлим шу ҳисобда якунланди.

Очиғини айтганда, французларнинг рақибларини унчалик менсимаган ҳолда кучсизроқ таркибда майдонга тушганлиги сабаблими, ҳар ҳолда иккинчи бўлимни хорватияликлар ҳужумкор руҳда бошлаб Франция термасини мушкул аҳволга солиб қўйишди. Бинобарин, атиги тўрт дақиқа ичида — 48 ва 52-дақиқаларда Милан Рапаич ва Дадо Пршо икки тўп киритиши натижасида ўйин тўлалигича ўзгариб, энди хорватлар олдинга чиқиб олишди.

Қарши ҳужум тактикасини қўллаётган французлар Давид Трезегенинг дарвозабон билан яккама-якка чиққан ҳолда уни алдаб ўтиб берган аниқ зарбасидан сўнг ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди.

Қўшимча вақтда хорватиялик Ивица Морнер тўрт метрлардан туриб дарвозани аниқ нишонга ололмади. Шу тариқа ушбу кескин ва қизиқарли учрашув дуранг натижа билан тугади.

Бугун «С» гуруҳидан ўрин олган Болгария-Дания, Италия-Швеция жамоаларининг ўйинлари бўлиб ўтади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

---

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ректорати ва касаба уюшмаси, ижтимоий-гуманитар фанлар факультети жамоаси сиёсатшунослик ва социология кафедрасининг катта ўқитувчиси Сурайё Магруповна Толипованинг синглиси

**МУХАЙЁнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

---

*Ҳамкасбларимиз*

## УМР ОҚАР ДАРЁ

**Қўлига фотоаппарат тутган бу камтарин инсонни кўпчилик яхши танийди. Чунки у йилнинг тўрт фаслида — жазирама ёзда ҳам, қирчиллама қишда ҳам, ёмғирли кунларда ҳам шаҳар кезгани-кезган. Ҳамиша одамлар билан мулоқотда, пиру бадавлат қариялар ва нуроний аёллар билан суҳбатда, ишқилиб қай йўл билан бўлмасин уларнинг кўнглини овлаб «Оқшом»боп суратга туширишда.**



У ўз касбини дилдан севади. Қўлидаги иш қуроли— фотоаппаратини ҳамиша бенуқсон ишлашга шайлаб ардоқлаб-авайлайди. Гарчи, у бундан ўттиз йилча муқаддам Москвадаги рус тили ва адабиёти институтининг фотография факультетини тамомлаган бўлсада, бундан бироз илгарироқ шу касбга меҳр қўйиб, ҳаваскор сифатида унинг нозик сирларини ўз тажрибасида мустаҳкамлаб борди.

Йиллар давомида Ҳакимжон Солиҳов жуда кўплаб нашрларни ўзининг чиройли, жозибадор фотолавҳалари билан тўлдириб турди. У «Шарқ» нашриёт матбаа концернида, «Спорт», «Маърифат», «Тошкент ҳақиқати» газеталарида, «Иқтисодиёт ва статистика» журналида, Ўзбекистон агентлигида сураткаш мухбир сифатида фаолият кўрсатди. Ўша йиллари республикамизнинг барча вилоятлари ва турли бурчакларида бўлиб матбуот саҳифаларида ёритилган ўзининг ранг-баранг мавзудаги суратлари билан эл оғзига тушди.

Бугун Ҳакимжон Солиҳов нафақат Тошкентда, балки кўпгина вилоятларда ҳам ўз мухлисларига эга. Улар билан телефон, хат-хабарлар орқали диллашиб, дардлашиб туради.

— Мен бахтимни шу касб орқали топганман, — дейди Ҳакимжон ака. — Шунинг учун уни умр бўйи ардоқлашга ҳаракат қилдим. Ҳалол ва камтарин меҳнатим туфайли оилали бўлдим. Аёлим Холидахон — ўқитувчи. У билан уч қиз, бир ўғилни тарбиялаб катта қилдик. Ҳозир улар турли касбларда ишлашади. Бири ўқитувчи, бири банк хизматчиси, қолганлари тикувчи ва тадбиркор. Бир нечта ўғил-қизларнинг бобосиман.

Умр оқар дарё. Учқур отдек йилларнинг қандай ўтиб кетаётганини билмайсан киши. Қаранг, кечагина қўлида фотоаппарат билан йўллар кезиб юрган Ҳакимжон Солиҳов бугун 60 ёшни қоралаб қолибди.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Ғайрат ва шижоатли инсон учун йиллар чегара эмас. Шундай экан, сураткашимиз Ҳакимжон Солиҳов ҳали узоқ йиллар давомида ўзининг жозибали суратлари билан газетамиз саҳифаларини тўлдириб боради. Биз ҳамкасблар эса бу ижодий йўлда унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилаймиз.

---

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


*Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси*

### ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОММУНАЛ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

**Кундузги бўлим (9-синфни тугатганлар учун)**

1. Қурилиш-пардозлаш ишлари;
2. Ёғочга ишлов бериш ва мебель ишлаб чиқариш;
3. Сув таъминоти ва оқава сув тизимлари мутахассиси;
Электргазпайвандчи, «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси;
4. Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш, «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси;
5. Турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва таъмирлаш;
Кадастр назоратчиси, ЭҲМ оператори;
6. Интерьер ва жиҳозлар архитектураси;
7. Компьютер графикаси;
8. Менежмент. Офис ва ишлаб чиқариш менежменти;
9. Молия. Корхоналар, жисмоний шахслар ва ишлаб чиқариш бўйича молия агенти;
10. Бухгалтерия ҳисоби;

**СИРТҚИ БЎЛИМ (11 - синфни тугатганлар учун)**

1. Газ таъминоти тизими ускуналаридан фойдаланиш;
2. Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш;
3. Бухгалтерия ҳисоби назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили;
4. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш;
5. Сув таъминоти, оқава сувлар тармоқлари ускуналарини йиғиш ва улардан фойдаланиш.

**Ўқишга кирувчилар консультатив гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 0-86 У кўринишидаги тиббиёт маълумотномаси.
4. 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
5. Турар жойидан маълумотнома.
6. Туғилганлик гувоҳномасининг нусхаси.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, М.Уйғур кўчаси, 485-уй.**
**Тел: 47-79-32, 47-75-69**
**№ 20, 53, 35, 46, 126, 87-автобусларнинг «Оқтепа» бекати.**



### ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

**Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ва аҳоли диққатига!**

**«ҲАМКОРБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АВИАСОЗЛИК ФИЛИАЛИ СИЗГА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

- юридик ва жисмоний шахсларга ҳисоб рақами очиш ва юритиш;
- юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларга — савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида нақд ҳолда пул ўтказиш йўли билан миллий валюта сўмда ва чет эл валютасида кредитлар ажратиш;
- валюта айирбошлаш операциялари;
- WESTERN UNION пул ўтказмалари;
- аҳоли бўш маблағларини жамғармаларга қабул қилиш;
- коммунал тўловлари;
- лизинг операциялари;
- бошқа банк фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатиш.

**Сизни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Майна Ҳасанова кўчаси, 5-уй. Телефон: 96-25-42, 191-73-76, 194-55-88.**

**«ҲАМКОРБАНК» Сизнинг энг қулай ҲАМКОРИНГИЗ!!!**


### ДИҚҚАТ, НАЗОРАТ!

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

**Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:**

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4127 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-709. 1 2 3 4 6